СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИГА

# БУЮК ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 21 декабрь 1972 йил, пайшанба ♦ № 296 (15.467). ♦Баҳоси 2 тийин.


## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бугун, 21 декабрь эрталаб соат 10 да Кремлнинг Съездлар саройида очилади.

«БИЗ, МИЛЛАТЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙ ИТТИФОҚИНИ... — МУТЛАҚО ТЎЛА ИШОНЧГА, ҚАРДОШЛАРЧА БИРЛИКНИ ОЧИҚ ВА РАВШАН ТЎЛА ТУШУНИБ ОЛИШГА, ТЎЛА ИХТИЁРИЙЛИК АСОСИДАГИ КЕЛИШУВГА АСОСЛАНАДИГАН ИТТИФОҚНИ ИСТАЙМИЗ».

В. И. ЛЕНИН.



50 ЙИЛ

# ҚУДРАТЛИ ИТТИФОҚ

СОВЕТ ХАЛҚИ, бутун тараққийпарвар инсоният улуғ санани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейини зўр шодлик, чексиз қувонч, беқиёс фахр ва буюк ифтихор билан нишонламоқда.

Жаҳонда биринчи кўпмиллатли социалистик давлатнинг барпо этилиши инсониятнинг ижтимоий ривожланиш тарихида тубли ўзгаришлар ясади, меҳнаткаш инсонга, ўтмишда эзилган кўпдан кўп мазлум халқларга янги ҳаёт йўлини, эркин, озод турмуш, бахт-иқбол йўлини очиб берди, тараққиётнинг халқ ҳаётини яшнатувчи ҳамма имкониятларини вужудга келтирди.

Ягона қардошлик, дўстлик оиласига — ҳур республикалар бузилмас иттифоқига жипслашган юздан ортиқ миллат ва элатлар ленинизм байроғи остида, жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида янги жамият барпо этишнинг ҳали тарих кўрмаган йўлларидан бориб, асрий қолоқликка барҳам бердилар, инсон қадр-қимматини камситувчи ҳар қандай таҳқир ва зулмларни, ғов ва тўсиқларни парчалаб ташладилар, миллий адоват ва камситилишларни абадул-абад йўқ қилдилар. Советлар диёрида шундай аҳил ва иноқ, шундай жипс ва монолит улуғ оила вужудга келдики, бу енгилмас куч, бу ижодкор ва яратувчи куч жуда қисқа вақт ичида тараққиётнинг қиёс қилиб бўлмайдиган, асрларга тенг йўлини босиб ўтишни таъминлади, социалистик Ватанимизни жаҳонда энг қудратли давлатга айлантирди.

Манфаат ва мақсадларнинг, хоҳиш-ирода ва ҳаракатларнинг ягона бирлиги, кучли, маънавий қон-қардошлик буюк ишонч ва ўзаро ғамхўрлик идеаллари ҳукмрон бўлган бизнинг социалистик жамиятимизда барча совет кишиларининг ижодкорлик, бунёдкорлик ишлари учун, ғайрат ва ташаббусларни чексиз ривожлантириш учун кенг ва нурли йўл очиб берди. Мамлакатимиз эришган жаҳоншумул ғалабаларнинг ҳаммаси худди мана шу идеалларнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳур республикалар иттифоқида, халқларнинг ҳамдўстлик оиласида, аввало катта оғамиз—улуғ рус халқининг беғараз кўмагида ўз бахт-иқболини топган социалистик Ўзбекистонимиз ҳам гуллаб-яшнади, равнақ топди, ўрта аср ва феодализм зулматидан замонавий тараққиёт чўққиларига кўтарилди. Ўтмишда саноати деярли бўлмаган Ўзбекистонда қудратли индустрия барпо этилди. Машинасозлик, энергетика, рангли металлургия, химия, тўқимачилик, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа жуда кўп тармоқлари барқ уриб юксалди. Ҳозир республикамизда 1300 та йирик корхоналарни бирлаштирган 100 тадан кўпроқ тармоқлар бор. Эндиликда мамлакатимиз Ўзбекистондан самолёт ва тракторларни, экскаватор ва бульдозерларни, скрепер ва пахта териш машиналарини, лифт ва холодильникларни, кабель ва тўқимачилик машиналарини ҳамда бошқа кўпдан кўп саноат маҳсулотларини олиб турибди.

Совет ҳокимияти йилларида республикамиз қишлоқ хўжалиги таниб бўлмас даражада ўзгарди. У замонавий машиналарга эга бўлган ва деҳқончилик маданияти юксалган энг маҳсулдор ва кўп тармоқли хўжаликка айланди. Биз Совет Иттифоқи меҳнат тақсимотида пахтачилигимиз жуда катта аҳамият касб этганлигидан мамнунмиз. Пахтамизнинг нурли йўлида халқлар дўстлиги ва интернационализми ғоялари барқ уриб турганлигидан фахрланамиз. Бу соҳада эришилган муваффақиятларимиз айниқса катта. Шу муборак юбилей йилида Ватан 4 миллион 710 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»ини олди. Ана шундай улкан пахта хирмонини вужудга келтириш — СССРнинг олтин тўйи шарафига авж олган умумхалқ мусобақасининг самараси, миллионлар қаҳрамонлиги ва жасоратининг ёрқин ифодасидир.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам чинакам маданий революция амалга оширилди. Унинг бағрида қанчадан қанча илмий муассасалар, олий ва ўрта ўқув юртлари, кўпдан-кўп маърифат ўчоқлари ишлаб турибди. Фан-маданият барқ уриб ривожланди. Бу соҳада 26 мингдан кўпроқ илмий ходим самарали меҳнат қилдилар. Улар орасида 570 фан доктори, 7700 фан кандидати бор. Неча минглаб мактаблар, ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш муассасалари халқ хизматида, ўғил-қизларимиз хизматида. Республикамизнинг иқтисодий ва маданий соҳада эришган улкан ғалабалари КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартияси жуда катта ташкилотчилик фаолиятининг, омма орасида олиб борган идеология ишларининг самарасидир.

Совет халқи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини зўр шодлик билан байрам қилаётган мана шу кунларда кўпмиллатли социалистик давлат муҳташам биносининг меъмори ва қурувчиси Владимир Ильич Ленин даҳоси олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қилади.

Совет кишилари мана шу табаррук дамларда, СССРнинг 50 йиллигини нишонлаётган улуғ айёмда ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидан, бу сиёсатни амалга оширган улуғ Коммунистик партиядан абадул-абад миннатдордирлар.

## Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

# ҚОНУНИ

## СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1973 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

**1-Модда.** СССР Министрлар Совети тақдим этган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги Давлат плани Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари тузатишлари ҳисобга олинган ҳолда маъқуллансин.

**2-Модда.** СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин.

(1972 йилга нисбатан ўсиш процент ҳисобида)

| | |
|---|---|
| Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад | 6 процент |
| Саноат маҳсулоти | 5,8 процент |
| шу жумладан: | |
| Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш: | 6,3 процент |
| Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш | 4,5 процент |
| Давлат сарфлайдиган капитал маблағлар | 2,3 процент |
| Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти | 5,6 процент |
| Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди | 4,4 процент |
| Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти | 5 процент |

**3-Модда.** 1972 йилдагига нисбатан 1973 йилда қуйидагиларни кўпайтириш таъминлансин:

| | |
|---|---|
| Аҳоли жон бошига реал даромадлар | 4,5 процент |
| Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар | 12,5 процент |
| Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига фойдаланиш учун топширилган жами уй-жой майдони | 9,3 процент |
| Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони | 3,7 процент |
| Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони | 6 процент |
| Ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш | 5,2 процент |
| Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш | 1,7 процент |
| Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига студентлар қабул қилиш | 2,3 процент |
| Касалхоналардаги ўринлар | 2,6 процент |

**4-Модда.** СССР Министрлар Советига 1973 йилда КПСС XXIV съезди Директиваларига ҳамда «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражасини янада кўтариш тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

**5-Модда.** СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1973 йилги давлат плани юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқиб, шуларга доир тегишли қарорлар қабул қилиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1972 йил 19 декабрь.

## В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИ ВА НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ҚАБРИГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

20 декабрда Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар В. И. Ленин мавзолейига бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбар қўйдилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари доҳий ва устоз, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг асосчиси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин хотирасини ҳурматлаб бир минут сукут сақладилар.

Шундан кейин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг раҳбарлари Номаълум солдат қабрига бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан гулчамбар қўйишди. Улар Совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жонларини қурбон қилган Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг хотирасини ҳурматлаб бир минут сукут сақладилар.

Гулчамбарлар қўйишда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ҳозир бўлишди.

